

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 7 февраль шанба

Сотувда эркин нархда.
№ 29 (1810)


*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ*

## «ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинсин.

2. Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси тушган таклифларни манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда умумлаштирсин ҳамда мазкур Қонуннинг маромига етказилган лойиҳасини Олий Мажлис муҳокамасига киритсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 3 февраль.

*(Ушбу Қонун лойиҳаси газетанинг 2-саҳифасида эълон қилинмоқда).*



*Деҳқончилик, умуман қишлоқ хўжалиги тараққиёти, бу борада аллақачон бошлаб юборилган ислоҳотлар ривожи бугун мамлакатимиздаги барча соҳа кишилари учун дахлдор бўлиб қолди. Шунинг учун хоҳ давлат корхонаси, хоҳ хусусий ишлаб чиқариш муассасаси бўлсин, деҳқончиликни такомиллаштириш йўллари хусусида бош қотирмоқда.*

*Фотомухбиримиз Тўлқинбек Каримов яқинда ана шундай даргоҳлардан бири — Тошкентдаги «Кимёқишлоқмаш» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бўлиб қайтди. Корхонада айни вақтда пахта далаларида, кўчат ва полиз экинлари учун қўлланиладиган кимёвий пуркагич дастгоҳлари жадал ишлаб чиқарилмоқда. Тайёр маҳсулотлар эса харидорлар томонидан навбатма-навбат олиб кетилмоқда.*

***СУРАТДА:** пуркагич дастгоҳлари йиғувчиси Ойназар ҲАЙИТОВ.*

# ЖУМА ХАБАРЛАРИ

АЙЛАНАДИ СОАТ МИЛЛАРИ

● ХУШ ХАБАР

## ҒОЛИБ АНИҚЛАНДИ



*Ўзбекистон Бадиий академияси Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик юбилейи рамзи (эмблемаси) учун танлов эълон қилган эди, — деб хабар беради Миллий ахборот агентлиги.*

*Мазкур танловда республикамизнинг турли ҳудудларидан йигирмага яқин профессионал ва ҳаваскор рассом ўз лойиҳаси билан иштирок этди.*

*Таниқли миниатюрачи рассом, академик Ниёзали Холматов яратган лойиҳа танлов ғолиби деб топилди.*

● ЯНГИЛИК

## БТВДА ЛОТИН ТИЛИ ЎҚИТИЛМОҚДА

*Кўп тармоқли «Боғдод» хусусий фирмасининг Боғдод телевидениеси савоб ишга қўл урди. Яқин кунлардан бошлаб телевидение жамоаси туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда «Лотин тили сабоқлари» рукнини очди. Ҳозир телевидениенинг лотин тили машғулотларини 27-ўрта мактаб ўқитувчиси Муҳаммадюсуф Эргашев олиб бормоқда.*

*Шунингдек, Боғдод телевидениесининг «Аёлларга минг бир маслаҳат», «Ғунча», «Шеърият гулшани» каби кўрсатувлари ҳам телетомошабинлар эътиборини қозонмоқда.*

ҲУРМАТЛИ ТАҲРИРИЯТ!

## «НЕКСИЯ»ГА ҲАЙКАЛ-КЎРГАЗМА



*Бир пайтлари машҳур инсонларнинг ҳайкалларини кўравериб кўзимиз пишиб кетган. Аммо Андижонда яқинда ғалати воқеа юз берди. Вилоят «Автотеххизмат» салони ёнида, ишонасизми-йўқми, Ўзбекистон автомобиль саноатининг фахри бўлмиш «Нексия» автомобилининг мовий рангдаги рамзий ҳайкал-кўргазмаси ўрнатилди.*

*Бу беҳуда эмас, албатта. Чунки кейинги пайтда «Нексия»нинг харидорлари кўпайиб бормоқда. Айни вақтда бу ерда 100 га яқин «Нексия» валютага сотилди.*

● ТАДБИРКОРЛИК

## АНТИҚА УСУЛ

*Наманган вилояти «Электралоқатармоқлари» корхонаси ўз фаолиятини яхшилаш учун антиқа усулдан фойдаланмоқда. Корхона абонент тўловлари учун лоторея ўйини ўтказди. Ярим йиллик тўловларни олдиндан тўлаб қўйган абонентларнинг кўпчилигига ютуқ чиқди. Улар телефон аппаратлари, қимматбаҳо совғалар ва имтиёзли тўлов чипталарига эга бўлишди.*

*Корхона Наврўз байрами арафасида бир йиллик тўловларни олдиндан тўлаган ташкилот ва фуқаролар учун ҳам лоторея ўйини ташкил қилмоқда. Бу хайрли тадбирлар туфайли корхонада абонент тўловларидан тушадиган пул кескин кўпайди.*

● УЧРАШУВ

## ҲАЙДОВЧИ ВА ҲУШЁРЛИК

*Тошкентдаги 2-автокомбинатда шаҳар давлат автомобиль назорати ходимлари ҳайдовчилари билан учрашув ўтказилди, дея хабар қилади мухбиримиз М. Алимов.*

*Йиғилишдан мақсад кўча йўл ҳаракати қоидаларини бузмаслик ва унга қатъий риоя қилиш масалаларини тушунтиришдан иборат бўлди. Шунингдек, ўтган йили ҳайдовчилар томонидан содир этилган 2398 та жиноятдан айримларининг келиб чиқиш тафсилотлари баён қилинди.*


Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55
133-07-48, 136-37-85


«Соат миллари»ни ЖЎШҚИН кузатди.

# ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНАДИ

**Бош вазир Ў.Султонов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси 1998 йил 4 февралда Тожикистон Республикасига амалий ташриф буюрди.**

Ташриф чоғида Ўзбекистон делегацияси Тожикистон Республикаси Президенти И.Раҳмонов билан учрашди. Сўнгра Тожикистон Республикаси Бош вазири Я.Азимов билан учрашув бўлди.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитида ўтган кенгайтирилган тартибдаги музокаралар чоғида томонлар Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларининг ҳозирги ҳолати тўғрисида, шунингдек, иккала томонни қизиқтирувчи бир қанча масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

Тожикистон делегациясининг яқинда Тошкентга буюрган давлат ташрифи, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов билан бўлиб ўтган учрашувлар ва суҳбатларнинг аҳамияти муҳимлигини иккала томон ҳам алоҳида таъкидлади.

Иккала мамлакат ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Тожикистон томони Тожикистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ишида қардош Ўзбекистоннинг бебаҳо ёрдамини, тожик халқининг тинч, бунёдкорлик ҳаётга қайтишида катта аҳамиятга эга бўлган иқтисодий ва инсонпарварлик ёрдамини алоҳида таъкидлади.

Томонлар узоқ муддатли ҳамкорлик ва яхши қўшничиликка асосланган тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали Ўзбекистон — Тожикистон алоқаларини чуқурлаштириш тарафдори эканини тасдиқлади.

Иккала томон Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида Ягона иқтисодий маконни барпо этиш тўғрисидаги Шартнома доирасида интеграцияни ривожлантириш муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Шу жиҳатдан Тожикистон Республикасининг Марказий Осиё мамлакатлари Ягона иқтисодий маконига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида тезроқ қўшилиши Тожикистоннинг равнақи, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаб туриш учун қулай шароитни таъминлаши яна бир бор тасдиқланди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик муаммолари музокараларда асосий ўринни эгаллади. Шу мақсадда икки томонлама муносабатлар масалаларини ҳар томонлама кўриб чиқувчи ҳукуматлараро комиссияни тузиш муҳимлиги айтилди.

Тожикистон раҳбариятининг илтимосига биноан, томонлар Тожикистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидан давлат қарзини тўлаш муддатини ўзгартириш тўғрисида ҳукуматлараро битимни имзоладилар. Бу ҳужжат мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазиятни соғломлаштиришда, Тожикистон аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур товарлар билан таъминлашни яхшилашда муҳим ўринни тутиши лозим.

Транспорт, коммуникациялар соҳасида, сув ва ёқилғи-энергетика ресурсларини биргаликда ўзлаштириш ва фойдаланиш, агросаноат мажмуи ҳамда ўзаро манфаатли бошқа соҳаларда ҳамкорликни чуқурлаштириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экология фалокатларининг олдини олиш ва бундай фалокатларнинг оқибатларини бартараф этиш соҳасида иккала мамлакат ҳамкорлигини ривожлантириш хусусида фикрлашиб олинди.

Иккала мамлакат хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида бевосита алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, саноат кооперациясига, қўшма корхоналар барпо этишга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилди.

Ташриф якунлари бўйича мавжуд шартномавий-ҳуқуқий негизни кенгайтирадиган ва Тожикистон билан Ўзбекистоннинг ўзаро фойдали ҳамкорлигини чуқурлаштирадиган икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Ташриф самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

**(ЎзА)**

**1998 ЙИЛ — ОИЛА ЙИЛИ**

## ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармасида Оила йилига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди. Унда жамғарма марказий кенгаши ходимлари, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар бўлимларининг раислари, туман ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Давра суҳбатини жамғарма марказий кенгашининг раиси Б.Раҳимов бошқарди.

Республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг проректори Н.Комилов, республика Банк-молия академиясининг кафедра мудири А. Ўлмасов ва бошқаларнинг оилада инсон маънавияти, оила ва иқтисод, оила ва иймон-эътиқод мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан эълон қилинган Оила йилида мамлакатимизда оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини янада ошириш, унинг маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш борасида жуда катта ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

**(ЎзА)**

**РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА**

## ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК ЙЎЛИДАН

6 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган кенгашда кон-металлургия, кимё ва машинасозлик саноати корхоналари учун зарур бўлган импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар масаласи кўриб чиқилди. Кенгашда манфаатдор вазирлик, идора, корхона ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди. Мажлисни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков бошқарди.

1997 йилда Ўзбекистонда илгари республикага четдан сотиб олиб келтириладиган буюмларнинг кўп турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани қайд этилди. Бу анчагина валюта маблағи — бир неча ўн миллион АҚШ долларини тежашга имкон берди. Кенгашда давлат иқтисодиётини мустаҳкамлаш учун импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Кенгашда “Ўзкимёсаноат”, Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, “Ўзметкомбинат”, ”Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг”, “Ўзолмосолтин”, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари Н. Юсупбеков, Н. Кучерский, В. Сигедин, А. Фармонов, Р. Матчонов, Ш. Нажимов, В. Кучеров, “Ўзмашсаноат” уюшмаси раисининг ўринбосари Ю. Попков ҳамда кенгашнинг бошқа иштирокчилари ўзларига қарашли корхоналарнинг четдан маҳсулот келтиришга ортиқча харажатларни тугатиш учун маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга доир фаолияти, бу ишнинг жорий йилдаги истиқболлари ҳақида ахборот бердилар.

Кенгаш иштирокчиларига ҳозирча четдан келтирилаётган турли буюмларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уларнинг хилларини кўпайтириш учун саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, янги самарали ва рентабелли корхоналарни қуриш ва янги иш жойларини барпо этиш юзасидан тавсиялар берилди. Бу тавсияларнинг бажарилиши Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

**(ЎзА).**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

**Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг VI сессиясидаги нутқидан ва Олий Мажлиснинг ушбу нутқ юзасидан қабул қилган Қароридан келиб чиқадиган вазифалар бажарилишини ташкил этиш бўйича махсус комиссия тузилгач, кенг қамровли тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва изчил бажаришга киришилган эди.**

**6 февраль куни мазкур Комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Комиссия раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов олиб борди.**

Йиғилишда Қонунларни ишлаб чиқиш механизмини ва қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни такомиллаштириш масалалари бўйича ишчи гуруҳи раҳбари Н. М. Исмоилов ҳамда Фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни яхшилаш масалалари бўйича ишчи гуруҳи раҳбари Б. О. Эшоновнинг ахборотлари эшитилди ва муҳокама қилинди.

Ахборотлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси Ғ. А. Абдумажидов, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Ш. Рашидова, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари Б. Ш. Мирбобоев сўзга чиқдилар.

Йиғилишда Комиссия ташкил этилганидан буён ўтган қарийб бир ярим йил вақт мобайнида юртбошимизнинг парламентнинг олтинчи сессиясидаги нутқидан ва Олий Мажлиснинг тегишли қароридан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш борасида муайян ишлар қилинганлиги таъкидланди. Сўзга чиққан нотиқлар Комиссия фаолият кўрсатаётган даврда парламент томонидан қатор муҳим қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилганлигини, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш ҳамда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурлари қабул қилинганлигини қониқиш билан таъкидладилар. Ушбу ҳужжатларда ҳам ишчи гуруҳлари олдига янги вазифалар қўйилганлиги айтиб ўтилди.

Комиссия аъзолари қилинган ибратли ишларни таъкидлаш билан бирга амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, эътиборни кучайтириш талаб этиладиган масалалар хусусида алоҳида тўхталдилар. Жумладан, қонунлар ишлаб чиқиш ва қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилиш механизмини такомиллаштириш ишларини янада кучайтириш лозимлиги, ушбу мавзуга бағишланган илмий-амалий анжуманлар, амалий тадбирлар ўтказишни ташкил этиш, қонун лойиҳаларини жиддий экспертизадан ўтказиш ва уларнинг муҳокамаси кўламини кенгайтириш, қонун ҳужжатларини тайёрлашнинг ва ижросини назорат қилишнинг чет эл тажрибасини тўлароқ ўрганиш, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, унинг иш режалари парламент қўмиталарининг қонунчилик фаолиятига мос бўлишига эришиш зарурлиги қайд этилди.

Комиссия раиси ҳамда сўзга чиққан нотиқлар ишчи гуруҳлари фаолиятида бир қатор жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигини таъкидладилар: ишчи гуруҳларининг куч-ғайратлари аниқ мақсадга қаратилмаяпти, аксарият ҳолларда жамиятимиз учун муҳим ҳисобланган ҳамда мансабдор шахсларнинг ва оддий фуқароларнинг ҳуқуқий билимини оширишга қаратилган қатор долзарб масалаларга йўналтирилмаяпти.

Жамиятдаги ҳар қандай демократик жараёнларнинг ривожи, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жабҳадаги олға силжишлар кўп жиҳатдан аҳолининг онгига, ҳуқуқий билим ва маданиятига боғлиқ эканлиги йиғилиш аҳли томонидан бир овоздан қайд этилди. Шунинг учун манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг раҳбарларига жамиятда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим омили сифатида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги ишларни кучайтириш тавсия этилди.

Комиссия кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар, тавсиялар қабул қилди.

# ХЎЖАЛИК СУДЛАРИ: ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ КЕНГАЙМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунининг 64- моддасига асосан янги тайинланган судьяларнинг қасамёди тантанаси билан ўз ишини бошлади.**

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раиси М. Абдусаломовнинг «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг 1997 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда 1998 йилда одил судловни такомиллаштириш ва иқтисодий муносабатларда қонунчиликни мустаҳкамлаш борасидаги вазифалар тўғрисида»ги маърузаси тингланди ва муҳокама қилинди.

Ўтган йилда мамлакатимиз хўжалик судлари томонидан 14 минг 591 та низоли иш кўриб ҳал қилинди. Даъво аризаси билан мурожаат қилганлар фойдасига ундирилган миқдор олти бараварга ортиб, 27 миллиард сўмга етди.

Иқтисодий сиёсатимиз олдида турган муҳим вазифаларни ҳал қилишга кўмаклашишга даъват этилган хўжалик судларида кўрилаётган ишларнинг тарбиявий таъсири кучайди, хўжалик қонунчилигини тарғиб қилиш маданияти юксалди. Хўжалик судлари қарорлари ижросини таъминлаш бўйича прокуратура ва солиқ идоралари, банк муассасалари билан ҳамкорлик янада фаоллашди.

Судьяларни ижтимоий ҳимоя қилиш, хўжалик судларини моддий-техникавий ва ташкилий таъминлаш яхшиланди. Кадрлар таркиби янгиланиб, мустаҳкамланди. Хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда ҳуқуқшунослик илми ва суд амалиётини ўрганиш юзасидан ўнта халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Албатта, хўжалик судлари фаолиятида одил судловни амалга ошириш борасида айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Айниқса, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган иқтисодий сиёсат талабларига мослашиш жараёни оғир кечмоқда. Тўрачилик ва сансалорлик ҳолатларига йўл қўйилмоқда, ташаббускорлик ва қатъиятлилик ҳам етарли даражада деб бўлмайди.

Маълумки, мустақилликка эришилгандан сўнг, мамлакатимиз ислоҳотларининг ҳуқуқий асоси изчил янгиланмоқда. Шу жумладан, Фуқаролик кодекси ва Хўжалик-процессуал кодекси ҳам янгидан қабул қилинди. Пленумда «Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексини амалга киритиш билан боғлиқ бўлган баъзи масалалар тўғрисида»ги маъруза ҳам тингланди ва муҳокама қилинди.

Пленумда, шунингдек, ваколат доирасига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Пленум ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, республика Конституцион судининг масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Прокуратураси, Адлия вазирлигининг раҳбарлари қатнашдилар.

**Мурод АЛИМ ўғли,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Лойиҳа*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА

**Ушбу Қонун деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг ҳуқуқий асосларини белгилайди, бундай хўжаликларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг ўзаро ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларини тартибга солади.**

## 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1-модда. Деҳқон хўжалиги**

Деҳқон хўжалиги — оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Деҳқон хўжалигидаги майда товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш билан боғлиқ ва хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳамда юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

Деҳқон майда товар хўжалиги ўз фаолиятида доимий асосдаги ёлланма меҳнатдан фойдаланиши мумкин эмас.

**2-модда. Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**3-модда. Деҳқон хўжалиги аъзолари**

Айни бир вақтда хўжалик бошлиғи ҳам бўлган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, асранди болалари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга етган, бирга яшайдиган ва деҳқон хўжалигини бирга юритаётган бошқа қариндошлари деҳқон хўжалиги аъзоларидир.

**4-модда. Деҳқон хўжалиги бошлиғи**

Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда деҳқон хўжалигининг манфаатларини шу хўжалик бошлиғи ифода этади.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи оиланинг бошлиғи ёки оиланинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилган муомалага лаёқатли аъзоларидан биридир.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт ишда бўлмаганда у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига, деҳқон хўжалигининг аъзоси бир кишидан иборат бўлган тақдирда эса, шартнома асосида бошқа ҳар қандай шахсга беришга ҳақлидир.

**5-модда. Деҳқон хўжалигини ташкил қилиш ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби**

Деҳқон хўжалиги хўжалик бошлиғининг туман ҳокимига ва қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқарувига ёзма мурожаати асосида ихтиёрий равишда ташкил қилинади. Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, деҳқон хўжалигининг таркиби ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланишнинг йўналишлари кўрсатилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви деҳқон хўжалигини ташкил қилиш тўғрисидаги масалани умумий йиғилиш муҳокамасига киритади, йиғилиш бу хусусда тегишли қарор қабул қилади.

Туман ҳокими қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг деҳқон хўжалигини ташкил қилиш тўғрисидаги қарорини ер участкалари бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссиясининг хулосасини инобатга олган ҳолда тасдиқлайди.

Туман ҳокимининг деҳқон хўжалигини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори тумандаги иқтисодий, молиявий, банк тузилмалари учун мажбурий ҳужжатдир.

Деҳқон хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади.

Деҳқон хўжалиги бошлиғини давлат рўйхатидан ўтказиш деҳқон хўжалиги бошлиғининг доимий яшаш жойидаги туман ҳокимлиги томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза берилган пайтдан эътиборан уч кун ичида амалга оширилади.

Деҳқон хўжалиги бошлиғига Ерга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқига оид давлат ҳужжати ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган намунадаги давлат рўйхатидан ўтказилганлик гувоҳномаси берилади.

Посёлка, қишлоқ ва овул ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир деҳқон хўжалигини Хўжалик китобига киритиб, унда деҳқон хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиғи ёхуд бошлиқ вақтинча ёки узоқ муддат йўқлигида унинг вазифасини бажарувчи шахс, шунингдек, хўжаликнинг тадбиркорлик — ҳуқуқий шакли тўғрисидаги (юридик шахс ташкил этган ҳолда ёки юридик шахс ташкил этмасдан) маълумотларни қайд этиб қўяди.

Деҳқон хўжаликлари давлат рўйхатидан ўтказилганлик йиғимидан озод қилинади.

## 2-БОБ. ЕР БЕРИШ, ЕРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ, ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ, СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ

**6-модда. Томорқа ер участкаси**

Томорқа ер участкаси — эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун, шунингдек якка тартибда уй-жой, иморатлар қуриш учун қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкасидир.

Томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқига оид давлат ҳужжати билан гувоҳлантирилади.

**7-модда. Деҳқон хўжаликларига ер бериш тартиби**

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари), бошқа қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари аъзоларининг оилаларига, шунингдек қишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг оилаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектар ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади.

Фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари 0,06 гектар доирасида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ким ошди савдоси асосида сотилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигига томорқа ер участкаси бериш тўғрисидаги қарор деҳқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор билан бир вақтда туман ҳокими томонидан қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг қарори асосида тасдиқланади.

Мазкур жойда камида уч йил мобайнида доимий яшаб келаётган шахслар янги ташкил этилаётган деҳқон хўжалиги учун томорқа ер участкаси олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар (янги ўзлаштирилаётган ер майдонлари бундан мустасно).

Деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун томорқа ер участкаси беришни рад этиш тўғрисида туман ҳокими ва қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви чиқарган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Деҳқон хўжалигига ажратилган ернинг чегаралари натурада ер тузиш хизмати органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан расмийлаштирилади.

Томорқа ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланаётган деҳқон хўжалигига қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) бошқаруви томонидан умумий йиғилишнинг қарори асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш, ем-хашак ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек яйлов учун қисқа муддатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер бериш ёки ерни сотиш тартиби Ер кодекси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**8-модда. Деҳқон хўжалигининг ерга эгалик қилиши ва ердан фойдаланиши**

Ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш соҳасида деҳқон хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Деҳқон хўжалигига томорқа ер участкалари мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ажратиб берилади ҳамда улар хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя қилиш, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кредитлар олиш учун гаровга қўйилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигига берилган томорқа ер участкаси тақсимланмайди.

Томорқа ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фақат деҳқон хўжалиги бошлиғининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида, деҳқон хўжалиги фаолиятини давом эттириш истагида бўлган хўжалик аъзоларидан бирига мерос бўйича ўтади. Деҳқон хўжалиги бошлиғи меҳнат қобилиятини тўла йўқотган тақдирда, томорқа ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда хўжалик аъзоларининг розилиги билан улардан бирига ўтади.

**9-модда. Томорқа ер участкасидан фойдаланганлик учун олинадиган ҳақ**

Қонунларга мувофиқ ердан фойдаланганлик учун ҳақ олинади.

Деҳқон хўжалигига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида берилган томорқа ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ ер солиғи тариқасида ундирилади.

**10-модда. Деҳқон хўжалигида сувдан фойдаланиш**

Деҳқон хўжаликлари учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.

Деҳқон хўжалигига бериладиган сувнинг сарфини ҳисобга олиш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

## 3-БОБ. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИНГ ҲАМДА УНИНГ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**11-модда. Деҳқон хўжалигининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Деҳқон хўжалиги тадбиркорлик субъекти тариқасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ўзига берилган томорқа ер участкасида қонун ҳужжатларида тақиқланмаган доирада мустақил ташкил этиш;

етиштирилаётган ва реализация қилинаётган маҳсулотга мустақил равишда нарх белгилаш;

ўзи етиштирган маҳсулотни, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга ўз хоҳиши бўйича реализация қилиш ҳуқуқини тасарруф этиш;

харид этиладиган маҳсулотга олдиндан ҳақ тўланадиган фьючерс битимлари тузиш;

тадбиркорликдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинадиган, чекланмаган миқдорда даромад олиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларга сотиш учун ва эркин савдога мўлжалланган акцияларни сотиб олиш;

ўз мол-мулкини, шунингдек томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини, шу жумладан ким ошди савдоси асосида сотиб олинган ҳуқуқни гаровга қўйиш.

Деҳқон хўжалиги қуйидагиларни бажариши шарт:

томорқа ер участкасидан белгиланган мақсадга қатъий мувофиқ тарзда фойдаланиш;

ерга табиий объект сифатида зарар етказмаслик;

томорқа ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини сақлаб туриш юзасидан сарф-харажатлар қилиш;

янги олинган томорқа ер участкасини, башарти ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, икки йил ичида ўзлаштириш;

агротехника талабларига, белгиланган режим, сақлаш вазифаси ва сервитутга риоя этиш;

деҳқон хўжалигининг мажбуриятлари ва қарзлари юзасидан тўла жавобгар бўлиш;

хўжалик аъзолари учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш.

Қонун ҳужжатларида деҳқон хўжалигининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

**12-модда. Деҳқон хўжалиги бошлиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Деҳқон хўжалиги бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

деҳқон хўжалиги номидан ишонч қоғозисиз иш кўриш;

юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

ишонч қоғозлари бериш;

банкда ҳисобварақлар очиш.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи деҳқон хўжалигининг ҳамда унинг аъзоларининг манфаатлари ҳимоя қилинишини ва ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаши шарт.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**13-модда. Деҳқон хўжалиги аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Деҳқон хўжалиги аъзолари:

хўжалик аъзолари ўртасидаги шартнома шартлари асосида биргаликда ёки якка тартибда фойдаланиладиган даромаддан ўз улушини олиш;

давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиш ва ижтимоий таъминланиш, шунингдек товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун деҳқон хўжалигида сарфланган иш вақти қонун ҳужжатларига мувофиқ Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб борилган тақдирда меҳнат стажига киритилиш ҳуқуқига эга.

Деҳқон хўжалиги аъзолари деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этиши шарт.

Қонун ҳужжатларида деҳқон хўжалиги аъзоларининг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

## 4-БОБ. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИНГ МОЛ-МУЛКИ

**14-модда. Деҳқон хўжалигининг мулки**

Деҳқон хўжалиги:

ўзига тегишли уй-жойлар, хўжалик иморатлари, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва кўчатлари, дов-дарахтлар, маҳсулдор чорвамоллар, паррандалар, қишлоқ хўжалик техникаси, асбоб-ускуна ва ашё-анжомлари, транспорт воситалари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек бошқа мол-мулкларга;

ишлаб чиқариш фаолияти натижасида етиштирилган маҳсулотга;

олинган даромадларга (фойдага);

қонунда тақиқланмаган асосларда олинган бошқа мол-мулкка мулкдордир.

**15-модда. Деҳқон хўжалигининг мол-мулкига бўлган мулкий ҳуқуқ**

Ўзига тегишли мол-мулкка бўлган деҳқон хўжалигининг мулкий ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир.

Деҳқон хўжалигининг мол-мулки унинг аъзоларига умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулк асосида тегишли бўлади.

Деҳқон хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишни хўжалик аъзолари ўзаро келишув асосида амалга оширадилар.

Деҳқон хўжалиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни ҳосил қилиш, кўпайтириш, сотиб олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

**16-модда. Деҳқон хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари**

Деҳқон хўжалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш учун банк муассасасида ҳисобварақлар очиш ҳуқуқига эга. Деҳқон хўжалигининг ҳисоб-китоб ҳисобварағидан маблағларни фақат унинг розилиги ёки суднинг ҳал қилув қарори билан ўчириш мумкин.

**17-модда. Деҳқон хўжалигининг мол-мулкини мерос қилиб қолдириш**

Деҳқон хўжалигининг мол-мулки фуқаролик қонун ҳужжатларининг нормаларига мувофиқ мерос қилиб қолдирилади. Хўжаликда фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилганлик учун давлат пошлинаси тўлашдан озод этиладилар.

## 5-БОБ. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСЛАРИ

**18-модда. Деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти**

Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятининг йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланишга ҳақли.

Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган ва сотаётган маҳсулот сифатига оид амалдаги норматив ва стандартларга, экология, санитарияга оид ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаб ва қоидаларга риоя этиши шарт.

Деҳқон хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат ва бошқа органлар ҳамда ташкилотларнинг аралашувига йўл қўйилмайди, бу хўжаликлар томонидан қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳоллари бундан мустасно.

Давлат ва бошқа органларнинг, улар мансабдор шахсларининг ва фуқароларнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлари (қарорлари) натижасида, шунингдек бундай органларнинг, улар мансабдор шахсларининг деҳқон хўжалигига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларни лозим даражада бажармасликлари оқибатида деҳқон хўжалигига етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

**19-модда. Деҳқон хўжалигида меҳнат**

Деҳқон хўжалигининг фаолияти хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади.

Деҳқон хўжалигининг аъзолари деҳқон хўжалиги Пенсия жамғармасига ва Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасига ихтиёрий равишда бадаллар тўлаган тақдирда давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши лозим.

Деҳқон хўжалигининг барча аъзолари учун Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб бораётган деҳқон хўжалиги аъзоларининг меҳнат фаолияти ҳисобини деҳқон хўжалиги бошлиғи юритади.

Деҳқон хўжалигида ишланган вақт давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадаллар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида Пенсия жамғармасининг туман бўлимида меҳнат дафтарчасини белгиланган тартибда расмийлаштирган ҳолда меҳнат стажига қўшилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативида (ширкат хўжалигида), бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонасида (муассасасида, ташкилотида) ишлаётган деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат фаолияти ҳамда давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадаллар тўлаши ҳисобини юритиш қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонаси (муассасаси, ташкилоти) томонидан ҳам, деҳқон хўжалиги томонидан ҳам амалга оширилади.

Ижтимоий суғурта бўйича давлат нафақалари ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

**20-модда. Деҳқон хўжалиги маҳсулотини реализация қилиш тартиби**

Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотни реализация қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан ихтиёрийлик асосида хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Тарафлар шартнома мажбуриятларига риоя этилмаганда ёки бу мажбуриятлар бузилган тақдирда, қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда мулкий жавобгар бўладилар.

Деҳқон хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотга бозордаги талаб ва таклиф нисбатидан келиб чиқиб мустақил равишда нарх белгилайди.

**21-модда. Деҳқон хўжаликларининг биргаликдаги фаолияти**

Деҳқон хўжаликлари маҳсулот етиштириш, харид қилиш, қайта ишлаш ва ўтказиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизмат кўрсатиш бўйича ихтиёрийлик асосида, шу жумладан улуш (пай) асосида бирлашиш, кооперативларга (ширкатларга), жамиятларга, уюшмаларга, ассоциацияларга ва бошқа бирлашмаларга кириш ҳуқуқига эга.

**22-модда. Деҳқон хўжалигидан солиқ олиш**

Юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳамда юридик шахс ташкил этмасдан барпо этилган деҳқон хўжалиги қонун ҳужжатларига мувофиқ ер, сув ва мол-мулк солиқлари тўлайди.

Деҳқон хўжалигидан ер солиғи томорқа ер участкасининг сифатига, жойлашган ерига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб унинг кадастр баҳосини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган миқдорда ундирилади. Солиқ олиш тартиби ҳамда деҳқон хўжалиги тўлайдиган ер солиғининг ставкалари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Томорқа ер участкаси берилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил ичида деҳқон хўжалигидан ер солиғи ундирилмайди.

**23-модда. Деҳқон хўжалигининг молиявий ва кредит муносабатлари**

Юридик шахс ташкил этган ҳолда ташкил этилган деҳқон хўжаликлари фаолиятни амалга ошириш учун кредитлар олишлари, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ва шартнома шартларида, шу жумладан деҳқон хўжаликларини зарур гаров, суғурта ҳамда кредитни узишнинг бошқа кафолатларини таъминлаган ҳолда имтиёзли кредитлашга жалб этишлари, хусусий кичик тадбиркорлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзларнинг барча турларидан фойдаланишлари мумкин.

Деҳқон хўжалигининг ишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектлар қурилишини, асосий ишлаб чиқариш воситаларини харид этишини узоқ муддатли кредитлаш ва унинг жорий ишлаб чиқариш фаолиятини қисқа муддатли кредитлаш кредит шартномаси асосида амалга оширилади.

Деҳқон хўжалиги ўзига қарашли ва ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларини, қишлоқ хўжалиги экинларини (кўчатларини), кўп йиллик дов-дарахтларни, етиштирилган маҳсулотни, хом ашёни, материалларни нобуд бўлиш ёки шикастланишдан, шунингдек узилмаган банк кредитлари учун жавобгарликни ихтиёрийлик асосида суғурта қилдиради ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда суғурта товон пули олади.

Юридик шахс тариқасида рўйхатдан ўтказилган деҳқон хўжалиги ташқи иқтисодий фаолиятни мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар билан тенг шартларда амалга оширади.

**24-модда. Деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш**

Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш ва уни реализация қилиш билан шуғулланувчи оилавий майда товар хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини кафолатлайди.

Давлат органлари деҳқон хўжалигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашишлари лозим.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, посёлка, қишлоқ ва овул ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) қуйидагиларга ҳақли:

ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший аҳамиятга молик объектлари бўлмаган ҳудудда деҳқон хўжаликлари ташкил этилганида уни бирламчи ободонлаштириш: йўллар, электр узатиш ва алоқа линиялари қуриш, сув билан таъминлаш, газлаштириш, телефонлаштириш, радиолаштириш, ер тузиш, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ерларни мелиорациялаш;

деҳқон хўжаликларига ишлаб чиқариш объектлари ва турар жойларни барпо этишда ёрдам кўрсатиш;

деҳқон хўжалиги учун керакли мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситаларини биржаларда, ярмаркаларда, бозорларда юридик ва жисмоний шахслардан сотиб олишда кўмаклашиш;

навли уруғлик ва қишлоқ хўжалик экинларининг кўчат материалларини, органик ва минерал ўғитларни, қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш юзасидан давлат агротехника хизмати кўрсатиш тизими орқали техникавий хизмат кўрсатиш;

қишлоқ хўжалиги техникаси, асбоб-ускуналари ва ашё-анжомларини лизинг асосида харид этишда кўмаклашиш;

чорва моллар ва паррандалар боқиш учун шартнома асосида аралаш озуқа ажратиш, ёш чорва моллар ва паррандалар, зотдор қорамоллар сотиб олишда кўмаклашиш;

деҳқон хўжаликларининг чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатиш учун зарур шароитлар яратиш;

деҳқон хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш ва реализация қилишда кўмаклашиш;

консалтинг ва ахборот хизматлари кўрсатиш.

Деҳқон хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда уларнинг жойлардаги ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари деҳқон хўжалигига берилган ерлардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширадилар ҳамда улардан самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрадилар.

**25-модда. Деҳқон хўжалиги фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиш**

Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиб боради.

## 6-БОБ. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

**26-модда. Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Деҳқон хўжалиги ўз мажбуриятлари юзасидан қонунларга мувофиқ ундиришни қаратиш мумкин бўлган мол-мулк билан жавоб беради. Давлат деҳқон хўжалигининг мажбуриятлари юзасидан, деҳқон хўжалиги эса давлат мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Деҳқон хўжалиги хўжалик аъзоларининг ҳаёти ва соғлиғига улар меҳнат мажбуриятларини бажараётган вақтда етказилган зарар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Деҳқон хўжалигининг ҳамда унинг аъзоларининг ердан белгиланган мақсадда ва самарали фойдаланиш учун жавобгарлиги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**27-модда. Низоларни ҳал этиш**

Деҳқон хўжаликларини ташкил қилиш, уларнинг фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилишига доир низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

## 7-БОБ. ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИНИ ТУГАТИШ

**28-модда. Деҳқон хўжалигини тугатиш асослари**

Деҳқон хўжалиги қуйидаги ҳолларда тугатилади:

хўжалик фаолиятини давом эттириш истагида бўлган биронта ҳам хўжалик аъзоси ёки меросхўр қолмаган бўлса;

томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганда;

томорқа ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганда;

белгиланган солиқлар муттасил тўланмай келганда;

деҳқон хўжалиги томорқа ер участкаси ажратилган пайтдан эътиборан икки йил ичида қишлоқ хўжалиги фаолиятига киришмаган бўлса;

деҳқон хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бир неча марта ёки бир марта, лекин қўпол равишда бузилганда.

**29-модда. Деҳқон хўжалигини тугатиш тартиби**

Деҳқон хўжалиги:

деҳқон хўжалиги аъзоларининг қарорига биноан;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик судининг ҳал қилув қарорига биноан тугатилади.

Деҳқон хўжалиги фаолиятини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

***«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси юзасидан таклиф ва мулоҳазаларингизни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасига қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:***
***700008, Тошкент шаҳри, Ҳукумат уйи.***
***Телефонлар: 1398798, 1398173***

## ҚУТЛУҒ КУН ЯҚИН



**Табиатнинг мўъжизалари беҳисоб. Биз теграмизда содир бўлаётган ана шундай мўъжизалардан мудом ҳайратланиб яшаймиз. Хусусан, баҳорни борлиқнинг яратувчилик қудрати яққол тажассум топган гўзал тимсоли дея аташ мумкин.**

**Айтайлик, ёз, куз ва қиш тақвимда белгиланганидан кечроқ муддат бошланади. Кўпинча қишнинг илк ойларида ҳам тирамоҳнинг ёмғирли кунлари бўлишига кўникиб қолганмиз. Баҳорда эса бунинг тамомила аксини кўрамиз. «Қантар оғса, қор турмас», деганларидек, чилла ўтар-ўтмас, қаҳратон қишнинг қаҳри синади, замин бағрига илиқлик югуриб, дам-бадам ёғадиган қиламиққина қорлар ҳам бир зумда эриб кета бошлайди. Эсаётган шамоллардан ҳам қиш рутубати ариб, улар юз-кўзларни силаб, дилларга ором бергувчи майингина насимларга дўнади. Бу нимадан дарак? Она табиат шу тарзда интизор кутгани – яшариш, гўзаллик ва ҳалимлик фаслига пешвоз чиқа бошлайди. Ажабки, баҳорнинг келишини кутмоқликка ҳатто табиатнинг-да сабри чидамайди! Бильакс, унинг ташрифини ўзи тезлаштириб юборади.**

Биз баҳорни шу тахлит соғинч ила қаршилаймиз. Яна теграмизда ўзимиз висолига ташна бўлганимиз – келинчак фаслнинг элчилари – майин еллар унинг ташрифидан дарак бериб, «йилдиримдек ела бошлайди». Шунда қалбларда таниш бир орзиқиш, интизорлик туйғулари юз очади. Дастлаб бунинг нелигини билолмай, кимни, нимани бунчалик соғиндим экан-а, дея ажабланамиз. Шунда қулоқларимиз тагида ғувуллаб эсиб турган шабада аста шивирлайди: «Баҳор яқин!» Йўқотган нарсамизни топгандай бўламиз. «Эҳтимол, қирадирларда бойчечаклар ҳам юз очгандир», деган ўй келади хаёлимизга. Шунда кўнгилларимиз баҳорга илҳақ эканлигини англаймиз. Воажаб, бул шарофатли фаслни табиат ва инсон бирдек интиқ кутади.

Халқимиз азалдан Наврўзи оламни баҳор айёми сифатида шоду хуррамлик билан нишонлаб келади. Бебаҳо маънавий қадриятларимиз сирасига кирувчи ушбу байрам шодиёналарига анча барвақт ҳозирлик кўриш қадим пайтлардаёқ анъанага айланган эди. Зотан, шодлик ва қувонч келтирувчи айёмлар халқнинг юрагидан чуқур жой олгандир. Бу йил ҳам юртимизда Наврўз байрамини муносиб қаршилаш учун ҳозирлик ишлари анча барвақт бошланди.

Хусусан, шу йил 29 январь куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлисида ана шу тадбир билан боғлиқ масалалар белгилаб олинди.



# НАВРЎЗ КЕЛАЁТИР...

Табиийки, тантаналар дебочаси Алишер Навоий номидаги Миллий боғдан бошланади. Хиёбондаги «Наврўз» комплексида жойлашган байрамга тайёргарлик кўриш республика ишчи гуруҳи штабида эса ҳозирлик юмушлари ниҳоятда қизғин. Яқинда бу ерда мамлакатимиздаги таниқли санъат намояндалари тўпланишиб, умумхалқ шодиёнасининг сценарийси юзасидан бафуржа маслаҳатлашиб олишди. Бу борада қилинадиган ишлар режаси пишитилиб, уларни бекаму кўст амалга ошириш вазифаси мутасадди кишилар зиммасига юклатилди.

Байрам дастури билан таниша туриб, тайёргарлик юмушларининг ҳажми ва миқёси бениҳоя улкан эканлигига амин бўлдик. Алишер Навоий номли Миллий боғда бўлиб ўтадиган Наврўз байрами тантаналари дастуридан еттита лавҳа ўрин олган. Дастлабки – кириш қисмида қадимий халқ қўшиқлари, рақслари, ўйинлари ва лапарлари ижро этилади. Шундан сўнг асосий томошалар бошланади. Маълумки, қадимда Наврўз – Туронзамин халқлари ҳисоби бўйича Йил боши саналган. Шу боис одамлар ушбу айём чоғида ҳар бир фаслга бағишлаб мадҳиялар куйлашган, уларнинг таърифу-тавсифларини келтириб, улуғлаганлар. Шуниси диққатга моликки, ҳар бир фаслнинг табиати, хусусиятларидан келиб чиқиб, турли хил саҳна кийимлари, тасвирлар яратилади. Бу эса томошабиннинг ўша фаслни яққол ҳис этишига кўмак беради, албатта. Жумладан, ёз учун «Саратон» ҳамда «Капалак» деб номланган кийимлар тайёрланяпти.

Куз деганда тасаввуримизда хирмон-хирмон пахта ҳосиллари, айни пишиқчилик, шунингдек, олтин ранг тусдаги боғлар пайдо бўлади. Қишда эса табиат беғубор оқликка бурканади. Ва ниҳоят, бутун борлиқни яшнатиб, ранг-баранг мўъжизалар яратиб, фасли баҳор кириб келади. Тоғлар бойчечагу лолалар, яшил майсалар билан қопланади.

Йил фасллари ҳақидаги ушбу театрлашган томошаларда республикамиздаги бир қанча машҳур бадиий жамоалар вакиллари ўз санъатларини намойиш этишади. Уларга таниқли санъат намояндалари етакчилик қиладилар. Шунингдек, Оила йили муносабати билан ёш болалар томонидан тайёрланган бадиий дастур намойиш қилиниши ҳам мўлжалланган.

Ҳадемай биз ўзбек халқ оғзаки ижодининг нодир намуналаридан бири бўлмиш «Алпомиш» достонининг минг йиллигини кенг нишонлаймиз. Байрам дастурида ана шу санага ҳам ўрин берилган. Саҳнага ўз канизаклари ҳамроҳлигида чиқиб келган Барчиной Алпомишнинг йўлига кўз тикиб, рақс ижро этишади. Ёв устидан ғолиб чиққан Алпомиш шунқор йигитлари билан қайтиб келади ва улар алплар рақсига тушадилар. Бундан ташқари, турли халқ ўйинлари, кураш, полвонларнинг от ва туяларни кўтариши машқи, қадимий алплар мусобақалари ҳам уюштирилади. Маълумки, «Алпомиш» афсонавий эпослар сирасига киради. Шу боис достон қаҳрамонларининг кийимлари ҳам худди эртаклардагидек ранг-баранг ва бежирим бичимда тайёрланади. Бу йил табаррук юбилейлари нишонланадиган улуғ алломаларимиз Имом Бухорий ва ал-Фарғонийларга бағишланган саҳна кўринишлари ҳам томошабинларга манзур бўлиши, шубҳасиз.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ДИЙДОР

# СОХТАЛИКНИ ЁМОН КЎРАМАН

Кўп йиллик заҳматли фаолияти давомида ўнлаб режиссёр, киноактёру юзлаб саҳна артистлари, қўшиқчилар, қизиқчи ва сухандонларни элга танитган Ҳамид Қаҳрамонов туғма режиссёр саналади. Қирқ йилдирки, республика телевидениесида меҳнат қилаётган бу инсонни танимай бўладими? Жаҳон классик адабиёти дурдоналаридан бўлмиш Гётенинг «Фауст», Байроннинг «Манфред», Гюгонинг «Қиролнинг дилхуши», Проспьер Мерименинг «Осмон ва дўзах», Пушкиннинг «Евгений Онегин», «Қизғанчиқ рицарь», «Мис чавандоз»лари, Лермонтовнинг «Демон»ини саҳналаштирган, видеокўрсатувлар тайёрлаган Ҳамид Қаҳрамонов серқирра ижодкордир.



Жаҳонда биринчи марта Ўзбекистон телевидениесида намойиш этилган «Спектакль найранглари»ни кўриб, қойил қолган Франциянинг собиқ Президенти марҳум Ф. Миттеран Ҳамид ака билан шахсан танишиб, шаънига илиқ сўзлар айтганди. Демак, Ҳамид акани французлар ҳам билади.

Ана шу таниқли одам билан бўлган мароқли суҳбатимиз у кишининг қизғин иш жараёнида кечди.

**– Эслай оласизми, гўдак шуурингизда қандай воқеа муҳрланиб қолган?**

– Дадамни аниқ эслайман. У киши муаллим эди. Мени бўйнига миндириб мактабга олиб борарди. Чунки ўшанда онам ҳам ишларди-да. Мен – 3 яшар Ҳамид бошқаларга қўшилиб «О» ҳарфини ёзиб ўтираверардим...

**– Сизни ҳеч алдашганми?**

– Алдашганда қандоқ. Дадам урушга кетиш олдида мени алдаб кетди: «Ўғлим, сенга Кўқондан тойчоқ олиб келиб бераман», деди. Бу – 1941 йил ёзда бўлган эди. 1943 йилда эса қора хат олдик. Онамнинг айтишича, ўшанда мен бир ой тойчоқ кутиб йиғлаган эканман. Улғайиб, эсимни танигунимча дадамнинг тойчоқ олиб келмаганларига хафа бўлиб юрганман. Кейинчалик мени нега алдаганини тушуниб етгач, раҳматлик дадамга нисбатан қалбимда поёнсиз меҳр пайдо бўлди.

**– Мана, бугун сиз профессионал режиссёр, ҳатто актёрсиз. Айтингчи, бу соҳада илк саҳналаштирган спектаклларингиз қандай бўлган эди?**

– Илк спектаклим... Тўққизинчи синфдалигимда А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» спектаклини ўзим қўйиб, Олег Кошевой ролини ўзим ўйнаганман. Ўзим – режиссёр, ўзим – рассом, ўзим – гримчи, ўзим – қаҳрамон эдим. Ўша даврлар бу асар роса машҳур эди-да.

**– Саҳнадаги сохталик ва ҳақиқийлик ҳақида...**

– «Ёш гвардия»ни мактабда қўйганимда жуда ҳам қизиқ бўлган. Спектаклда Клара Ковалева деган қиз хабар келтиради. Ваня Земнухов, Любовь Шевцоваларни қамоққа олишди, дейди. У йиғлаб кириб келиши керак эди. У эса пиқир-пиқир куларди. Бир куни барзанги йигитдан илтимос қилдим: унинг юзига урасан, олдимга йиғлаб кирсин. Ўшандаёқ санъатда ҳақиқийликни талаб қилганман. Барзанги бечора қизчага шунақаям шапалоқ тортибдики, юзида панжасининг излари қолганди. У менга йиғлаб хабар берди. Спектакль шунақаям зўр чиқди-ки...

* * *

Ҳамид ака ҳамон санъатдаги сохталикни ёмон кўради. Уни билганлар қаттиққўл, талабчан режиссёр дейишади. Ўзи қўяётган ҳар бир спектаклни икир-чикиригача назардан ўтказади. Ҳамид ака аскиянинг ишқибози. Ўзиям салкам аскиябоз. Аскиянинг авжида овозини пасайтириб қулоғимга шивирлади: «Обидниям, Мирзаниям, Ҳожибойниям ўзим мулла қилганман». Ўзининг айтишича, япониялик рақкоса қиз Элика Накамура у кишининг уйида уч йил яшаб, тил ўрганиб, салкам ўзбек бўлиб кетган. Яна айтишича, ўзи Кўқоннинг Жилва қишлоғида туғилган. Эҳтимол, шунинг учун «жилва» (табассум) қилишни яхши кўради.

* * *

Ҳамид ака бундан 27 йил илгариёқ Амир Темур ҳақида спектакль саҳналаштирган экан. Бибихоним ва Амир Темур ўртасидаги бокира муҳаббат ҳақида ҳикоя қилинган бу асарда соҳибқирон ролини Жавлон Ҳамроев, Бибихонимни эса Ойдин Норбоева ўйнаган. Улуғ жаҳонгир Ҳиндистон сафарида пайти суюкли хотини Бибихонимни уста суйиб қолади. Бибихоним вафодорлик ва донолик кўрсатиб, рад жавобини беради. Орзуси амалга ошмаган уста қанот ясаб учиб кетади. Ҳамид ака йиллар давомида Амир Темур образига жуда кўп маротаба мурожаат этди. Узоқ йиллар Амир Темурни ўрганди. Шу боисдир балки, таниқли шоир Абдулла Орипов бир куни соҳибқирон образини яратиш борасида маслаҳатлашиш ниятида Ҳамид акани уйига, суҳбатига таклиф қилади. Гурунг нақ... қирқ саккиз соат давом этади! Суҳбат мавзуси соҳибқироннинг болалиги, ўсмирлиги, диндорлиги, олимлиги, ниҳоят, жаҳонгирлиги, буюклик ҳақида бўлади. Шундан сўнг Абдулла Орипов «Соҳибқирон» асарини яратади. Ҳамид Қаҳрамонов уни дарҳол Қирғизистондаги Ўш шаҳар мусиқали драма театрида саҳналаштирди. Улуғ бобомиз ролини Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин Умаров шу даражада маҳорат билан ўйнаганки, таъриф-тавсифга сўз йўқ.

* * *

**– Ҳамид ака, ўзингиз саҳнада қандай ролларни ўйнагансиз?**

– Дастлаб 1954 йили ёш ижодкорлар вилоят кўригида бир роль ижро этганман. Жуда яхши эсимда, ўшанда Ўзбекистон халқ артисти Занжирали Мирзатов шахсан ўзи қучоқлаб, табриклаб, ажойиб горн ва барабан тақдим этган. Ростдан ҳам яхши ўйнаганман шекилли, кўрик ғолиби бўлганман. Кейин йиллар давомида кўп роллар ўйнадим. Лекин ўша кавалеристдан бошқа ролларим яхши чиқмаётгандек туюларди, назаримда. Шундай бўлса ҳам яна ўзим саҳналаштирган «Қора монах»даги Ковринни ўйнаганман. Яна Чеховнинг «Кечиккан севги»сини ўзим ўзбек тилига ўгириб, ўзим теленовелла қилиб, Орлов ролини талқин этганман.

**– Саҳналаштиришда нималарга кўпроқ эътибор бериш керак?**

– Даврга мослаштиришга. Дейлик, Амир Темурни даврга мослаб бериш.

**– Мабодо режиссёр бўлмаганингизда ким бўлардингиз?**

– Барибир режиссёр бўлардим.

* * *

Ҳамид ака қирқ йилдирки, спектакллар саҳналаштиради. Қирқ йилдирки, жаҳон адабиёти дурдоналарини халққа манзур қилади. 40 ни бекорга айтмаяпмиз.

Ҳамид ака мамлакатимиз телевидениеси билан баб-баравар иш бошлаган. Дарахт бир ерда кўкаради дегандек, «ойнаи жаҳон»да 40 йил кўкарган, қалби доим ям-яшил. Шу кунларда 60 ёшни қаршилаётган таниқли режиссёр Ҳамид Қаҳрамоновдан ҳали яна кўп ижодий ютуқлар кутиш мумкин. Чунки у киши ўзига қаттиқ ишонади.. Бошлаган ишининг ҳақлигигаям. Жалолиддин Мангубердини саҳналаштириш учун йигирма беш йил курашди, охири, видеофильм қилди.

Бир ишни бошладими, ташламайди. Амир Темур ҳақида нақ йигирма етти йил олдин иш бошлаганди, ҳануз иш устида.

Дарвоқе, бетакрор шоиримиз Абдулла Орипов бу инсон ҳақида шундай деган эди: «Ҳамид Қаҳрамонов асарларини нафақат томоша қилиш, балки уларни фикрлаб тушуниш, нафақат қалб, балки онг, тафаккур орқали қабул қилиш керак. Мен бу ижодкор дўстимизни ҳамиша қадрлайман, кўпинча ҳамсуҳбат бўлганимда ҳам Ҳамид Қаҳрамоновнинг фикрлаш даражаси, савиясига қойил қоламан. Бу санъаткор савияси одатда ҳамма катта санъаткорлар сингари ҳаётдан бир неча қадам олдинда юради».

Бундан ошириб бир нима дейиш қийин...

**Ўрол ЎЗБЕК.**

## АҲМАД ал-ФАРҒОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИГА

# АЛЛОМАНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Шу йил кузда нишонланадиган улуғ аллома Аҳмад ал-Фарғоний тўйига тараддуд кундан-кунга қизияпти. Айниқса, Фарғона шаҳри ва Қува тумани марказида улкан ҳажмдаги ишлар олиб борияпти. Шаҳардаги буюк мутафаккир номи билан аталадиган боғ қайтадан замонавий қиёфада таъмирланади, бобомизнинг она юрти Қувада эса янги маданий-маиший иншоотлар, кўркам ёдгорликлар барпо этилади. Албатта, бу ишлар учун сарф этиладиган маблағнинг бир қисмини давлат ўз зиммасига олаяпти, қолгани эса ҳашар йўли билан қопланади.

Шу мақсадда шаҳарда бир қатор ташкилотлар, корхоналар Аҳмад ал-Фарғоний жамғармасини маблағ билан таъминлаш мақсадида вилоятда умумхалқ ҳашарини ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. «Ўзнефтни қайта ишлаш» бирлашмаси, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Марғилондаги «Ёдгорлик» корхонаси, «Қувадон» ҳиссадорлик жамияти ташаббусига вилоятдаги яна ўнлаб жамоалар, корхоналар, ташкилотлар қўшилди.

* * *

Қувалик ҳар бир фуқаро буюк ҳамюртларининг муборак тўйига муносиб тўёна билан бориш иштиёқида. Яқинда шаҳардаги маданият уйида «Қувада яна Аҳмад ал-Фарғонийлар вояга етадими?» мавзуида илмий конференция ўтказилди.

Анжуманда маъруза билан чиққан вилоят «Маданият ва маърифат» маркази раҳбари Тоҳиржон Абдураҳимов буюк алломанинг ҳаёт йўли, ижоди, жаҳон фанига қўшган ҳиссаси ҳақида тўхталди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи иқтидорли болалар мактабини ташкил этиш тадориги кўрилаётганини маълум қилди. Энг замонавий ўқув қуроллари билан таъминланган, чуқур билимли ўқитувчилар таълим берадиган бу мактабда Аҳмад ал-Фарғонийнинг муносиб ворислари билим олишади.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Йўл бўлсин, отахон?*

**Т. УЛУҒБЕК сурат-лавҳаси.**

«Ўзбекнефтгаз» Миллий корпорацияси жамоаси «Ўзнефтгазқазибчиқариш» давлат ҳиссадорлик бирлашмаси қошидаги меъёрий-тадқиқот станцияси жамоаси бошлиғи, геология-минералогия фанлари доктори, профессор Султонбой Ҳусановга падари бузруквори

**ТЎХТАБОЙ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмасининг МҚ Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари Элёр Ҳомилевич Ёқубовга падари бузруквори

**ҲОМИЛ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ҳ. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институти жамоаси нефть ва газ геологияси ва геокимёси лабораториясининг мудири С. Т. Ҳусановга падари бузруквори

**Тўхтабой ҲУСАНОВНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси республика давлат тижорат Халқ банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари С. Ҳ. Эргашевга отаси

**Ҳусен ЭРГАШЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти жамоаси Ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси мудири, профессор С. Авазбоевга отаси

**Авазбой НУРМАНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Рақамли уяли алоқа хизмати кўрсатувчи «Коском» ўзбек-америка қўшма корхонаси жамоаси Ўзбекистон Давлат коинотни тадқиқ қилиш агентлиги бош раҳбари, «Коском» қўшма корхонаси бошқаруви раиси Камол Мусаевич Мўминовга акаси

**Мақсуд МЎМИНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши федерация кенгаши раисининг ўринбосари Э. Ёқубовга падари бузруквори

**Ҳомил ЁҚУБОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0984, 41579 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

© МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Қ. Норқобил.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 21.40 1 2 3 4 5 6